

ҲУРМАТЛИ «KAFOLAT SUG'URTA KOMPANIYASI» AJ АКЦИЯДОРЛАРИ!

«Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ 2019 йил 28 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 13, 13А манзили бўйича жойлашган маъмурий бинода «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув кенгашининг унинг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан 2018 йил якуни бўйича ҳисоботи.

2. Компаниянинг 2018 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва 2019 йилдаги ривожланишининг асосий йўналишлари тўғрисидаги «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ ижроия органи раҳбарининг ҳисоботи.

3. Тафтиш комиссиясининг 2018 йил текшируви якунлари бўйича хулосаси ва ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Компаниянинг 2018 йил учун йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ва 2018 йил якунлари бўйича миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш.

5. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ нинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

6. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ Бошқаруви раисини сайлаш масаласини кўриб чиқиш.

7. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ нинг 2019 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан миллий ва халқаро молия стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини аниқлаш ва уларга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини тасдиқлаш.

8. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ нинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

9. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ нинг 2018 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимланишини тасдиқлаш.

10. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ нинг Устав капиталини қўшимча акция чиқариш йўли билан ошириш.

11. Компаниянинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш.

12. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ да 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

13. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларини маъқуллаш.

14. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ нинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

15. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида»ги ва «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомларни тасдиқлаш.

17. «Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ нинг Миноритар акциядорлар комитети аъзоларини сайлаш.

Акциядорлар-мажлис қатнашчиларини руйхатдан ўтказиш юқорида қайд этилган манзил бўйича соат 09.00 дан 09.55 гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг рўйхати 2019 йил 24 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Ўзингиз билан паспорт (шахсни тасдиқловчи ҳужжат), агарда Сиз ўз вакилинигиз орқали ҳаракат қилаётган бўлсангиз, Сиз ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (Ф.И.Ш., паспортига оид маълумотлар, яшаш жойи, тегишли акциялар сони) қайд этилган ёзма шаклдаги ишончнома бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тайёрланган ахборот материаллари билан 2019 йил 24 июнь соат 9.00 дан 18.00 гача компания жойлашган манзилда танишиш мумкин.

Расмий веб саҳифа: www.kafolat.uz

Электрон почта манзили: info@kafolat.uz

Телефонлар: 71-202-88-22, 71-202-20-26